




Ўзбекистон Республикаси  
**Марказий банки**

**Марказий банк асосий ставкасини  
кўриб чиқиш бўйича пул-кредит  
шароитлари таҳлили**




## Ноябрь ойида умумий инфляция йиллик **7,5** фоизни ташкил этди



- **Озиқ-овқатлар** йиллик инфляцияси ноябрь ойида ўтган ойга нисбатан **0,1 ф.б.га** пасайиб, **5,8%** ташкил этди;
- **Хизматлар** гуруҳи инфляцияни оширувчи асосий гуруҳ бўлиб қолмоқда. **Энергиясиз** хизматлар гуруҳи инфляцияси – **8,8%**;
- **Энергия нархлари** ошишининг бирламчи таъсирисиз умумий инфляция - **6,3%** (йил бошидан **0,1 ф.б.га** юқори);
- **Истеъмол саватидаги асосий 30 та** товар ва хизматлар инфляцияси - **12,9%** (ноябрда ўзгаришсиз қолди);
- **Ижтимоий муҳим турдаги 30 та** товар ва хизматлар инфляцияси – **14,2%** (ноябрда **0,7 ф.б.га** пасайди);
- Январь-ноябрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **нархлари ошиши секинлашган** товар ва хизматлар ИНИ саватининг **79%** ташкил қилди.
- ИНИ саватидаги **нархи 5% юқори ошган** товар ва хизматлар улуши **6,6 ф.б.га** камайиб, **38,8%** ташкил этди. Уларнинг истеъмол саватидаги вазни эса **4,2 ф.б.га** пасайиб **52,9%** тенг бўлди.


## Базавий инфляция даражаси пасайишда давом этиб, ноябрь ойида йиллик **6,3** фоизни ташкил этди



- Нисбатан қатъий пул-кредит шароитлари ва сўминг мустақамланиши озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари базавий инфляциясини пасайишига ҳисса қўшмоқда.
- Базавий инфляция йил бошига нисбатан **0,9 ф.б.га** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,6 ф.б.га**) пасайди.
- Юқори истеъмол талаби ҳамда энергия нархларининг иккиламчи таъсирлари асосан озиқ-овқат ва хизматлар базавий инфляциясига оширувчи таъсир қилмоқда.
- Ноозиқ-овқатлар базавий инфляцияси **4,2%** атрофида шаклланишига алмашув курси барқарорлашуви ҳисса қўшмоқда.
- Хизматлар базавий инфляциясининг юқори шаклланиши, ушбу гуруҳ нархларининг нисбатан турғунлиги ҳисобига, келгусида умумий инфляцияни таргетга эришишини кечикишига сабаб бўлади.

## Аҳоли ва тадбиркорлар инфляцион кутилмалари алмашув курси барқарорлашуви ва мавсумий омиллар ҳисобига пасайди

респондентларнинг улуши, фоизда




АҲОЛИ	.24	2025										
	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	56	57	63	59	59	57	50	51	48	46	46	49
Ёнилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	57	50	52	48	47	49	45	45	41	41	42	40
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	26	26	28	28	26	25	22	24	26	25	27	26
Транспорт харажатларининг ошиши	35	30	31	28	29	32	30	27	26	25	25	24
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	28	22	23	20	18	22	35	34	31	27	26	23
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	33	25	32	26	26	26	24	24	22	22	23	20
Валюта курсининг ўзгариши	55	46	41	39	38	37	27	30	24	22	22	20


- 2025 йилнинг ноябрь ойида **аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари** пасайган бўлса-да, умумий инфляциядан юқориликча қолиб, мос равишда **11,5%** ва **10,5%** тенг бўлди.
- **Асосий оширувчи омиллар** сифатида коммунал хизматлар, ёнилғи ва энергия ресурслари, асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши ҳамда транспорт харажатларининг ошиши таъкидланган.

## Глобал молиявий шароитлар

Глобал бенчмарк ставкалар, *фоизда*




Хатар мукофоти, *фоизда*




- Аксарият йирик иқтисодиётларда инфляцион жараёнларнинг юмшаши ортидан молиявий шароитлар ҳам юмшамоқда.
- Инвесторларнинг АҚШ облигацияларига қараганда ривожланаётган бозорларга қизиқиши ортиши Ўзбекистон ва АҚШ облигациялари даромадлиги ўртасидаги фарқ қисқаришига сабаб бўлмоқда.

## Ташқи савдо динамикаси

Экспорт ўсиш суръатлари, фоизда




Импорт ўсиш суръатлари, фоизда





- 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида **умумий экспорт** ҳажми **27,8 фоизга** ошган бўлса, олтин ва хизматларсиз экспорт ўсиши бироз тезлашиб, 12 фоизга етди. Асосий экспорт хомашё товарлари нархлари ташқи бозорлар конъюнктурасига мос равишда шаклланишда давом этмоқда.
- Ушбу даврда жами **импорт** ўсиши **16,9 фоизгача** тезлашди. Бунда, энергетика маҳсулотларидан (*табиий газ, газ конденсати*) бошқа барча йирик компонентларда юқори суръатда ўсиш кузатилди.

## Пул ўтказмалари



- **Пул ўтказмалари** ҳажми январь-ноябрь ойларида 17,3 млрд долларга етди (25,4 фоизлик ўсиш).
- **Аҳолининг валюта сотуви ва хариди** ўртасидаги ижобий тафовут ушбу даврда 8,7 млрд долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга ошди.

## Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари




2025 йил **октябрь** ойида:

- **иқтисодий фаоллик** индексида юқори даражада ўсиш кузатилиб, **61,1 бандни** ташкил этди. Сўровномада барча соҳалардаги корхоналар жорий фаоллиги **ошганлигини** кўрсатган;
- **ишбилармонлик кайфияти** индекси ҳам ўтган ойга нисбатан ошиб **63,1 бандга** етди (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,7 бандга юқори*).

## Саноат ва қурилиш динамикаси

Саноат таркибининг динамикаси,  
кумулятив, фоизда



Қурилиш соҳасида ўсиш суръати,  
кумулятив, фоизда




2025 йилнинг январь-октябрь ойларида:


- **саноат** соҳасида ўсиш барқарор сақланиб қолди ва **6,7 фоизни** ташкил этди. Бунда **ишлаб чиқариш** соҳаси (**7,4 фоиз**) саноатнинг асосий драйвери бўлиб қолмоқда;
- **қурилиш** ишлари ҳажми ўсиш суръати **14,7 фоизни** ташкил этди.

## Хизматлар ва савдо айланмаси динамикаси

**Бозор хизматлари динамикаси,**  
соҳалар кесимида, фоизда



**Савдо айланмаси ҳажмининг ўзгариши,**  
кумулятив, фоизда




2025 йил январь-октябрь ойларида:

- **бозор хизматлари** барқарор ўсиб, **14,4** фоизни ташкил этди. Хусусан, **молиявий ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мос равишда 24,5 ва 19,6 фоизга ошди;
- Чакана ва улгуржи савдо ҳажми ўтган ойга нисбатан бироз пасайганига қарамай юқори даражада шакланмоқда. **Чакана савдо** 10,3 фоизга, **улгуржи савдо** 12,2 фоизга ошди. **Умумий овқатланишда** юқори ўсиш тренди сақланиб қолмоқда (14 фоиз ўсиш).

## Фискал сиёсат

### Давлат бюджети даромадлари


ЯИМга нисбатан, фоизда



■ Бевосита солиқлар ■ Билвосита солиқлар ■ Ресурс солиқлари  
■ Бошқа даромадлар ● Жами даромадлар ▲ Жами солиқлар

### Давлат бюджети харажатлари

ЯИМга нисбатан, фоизда




■ Ижтимоий соҳага ■ Иқтисодиётга  
■ Давлат бошқаруви органларига ■ Бошқа харажатлар  
● Жами харажатлар


- 2025 йил якунида давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбати 20,1 фоизгача ўсиши кутилмоқда. Жаҳон бозорида олтин нархининг ошиши тоғ-кон ва металлургия корхоналарининг фойда солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳамда дивиденд тушумларини кўпайтирган асосий омиллардан бўлди.
- Жорий йилда даромадлар ўсиши фонида харажатларда ҳам кескин ошиш кузатилди. 2026–2027 йилларда эса ушбу тенденциянинг мўътадиллашиши кутилмоқда.

## Банк тизими умумий ликвидлиги юқори суръатларда ўсмоқда

Пул-кредит операциялари, трлн сўм




UZONIA бенчмарк ставкаси динамикаси, фоизда



- Тизимли ликвидлик профицити 1 декабрь ҳолатига **31,5 трлн** сўмга етди. Бунга асосан бюджет амалиётларининг оширувчи таъсири (ноябрь ойида **7,9 трлн** сўм) сабаб бўлмоқда.
- Ноябрь ойида Марказий банкнинг ликвидликни жалб қилиш инструментлари фаоллаштирилди ва 1 декабрь ҳолатига:
  - овернайт депозитлар қолдиғи **6,3 трлн** сўмни,
  - 7 кунлик облигациялар қолдиғи **24,5 трлн** сўмни ташкил этди.
- UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси январь-ноябрь ойларида фоиз коридори доирасида шаклланди ва ноябрь ойида ўртача **14,0** фоизни ташкил этди.

## Депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкалар

### Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалар, *фоизда*



2025 йил октябрда миллий валютадаги муддатли депозитлар номинал фоиз ставкалари:

- аҳоли депозитлари – **20,9%** (-0,4 ф.б.),
- юридик шахслар депозитлари – **17,1%** (ўзгармаган).

Инфляцион кутилмаларни инобатга олганда депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари:

- аҳоли депозитлари – **8,2%** (-0,1 ф.б.),
- юридик шахслар депозитлари – **5,4%** (+0,5 ф.б.).

1 декабрь ҳолатига, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан:

- жами депозитлар қолдиғи **35,7%** ўсиб, **287** трлн сўмни;
- аҳолининг миллий валютадаги муддатли ва жамғарма депозитлари қолдиғи **47,7%** ўсиб, **101,5** трлн сўмни ташкил этди.


2025 йил октябрда миллий валютадаги кредитлар номинал фоиз ставкаси:

- аҳоли кредитлари – **22,6%** (-0,3 ф.б.),
- юридик шахслар кредитлари – **19,0%** (-1,3 ф.б.).

Инфляцион кутилмаларни инобатга олганда кредитлар бўйича реал ставкалар:

- аҳоли кредитлари – **9,7%** (+0,1 ф.б.),
- юридик шахслар кредитлари – **7,1%** (-0,6 ф.б.).


### Кредитлар бўйича реал фоиз ставкалар\*, *фоизда*




\* - микроқарзлар бўйича фоиз ставкаларни ҳисобга олмаган ҳолда.

## Ажратилган кредитлар динамикаси

### Иқтисодиётга ажратилган кредитлар йиллик ўсиши



### Иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиғи йиллик ўсиши динамикаси, фоизда



Январь-ноябрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан:

- иқтисодиётга ажратилган жами кредитлар ҳажми **37,7%** ошиб, **350,2** трлн сўмни;
- юридик шахсларга – **32,6%** ошиб, **196,3** трлн сўмни;
- аҳолига – **54,1%** ошиб, **143,9** трлн сўмни ташкил этди, бунда:
  - кредит карталари – **2,5 баробарга**;
  - микроқарзлар – **1,7 баробарга**,
  - микрокредитлар – **1,6 баробарга**,
  - ипотека – **1,3 баробарга** ошди.

2025 йил 1 декабрь ҳолатига:

Жами кредит қўйилмалари қолдиғи йиллик **15,1%** ўсиб (йил бошига нисбатан +1,1 ф.б.), **643,8** трлн сўмга тенг бўлди.

Бунда:

- Жами миллий валютада – **23,7%** (+4,7 ф.б.),
- Тадбиркорлар миллий валютадаги кредитлари – **23,5%** (+4,5 ф.б.),
- Аҳоли кредитлар қолдиғи – **23,8%** (+4,9 ф.б.).